

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САТТАРОВ ОЯТУЛЛО ХАЯТУЛЛО ЎҒЛИ

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ ВА КЛИНИК
КЕЧИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ
ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саттаров Оятулло Хаятулло ўғли

Метаболик синдром ривожланиш хавфини ва
клиник кечишини башорат қилишнинг клиник-биокимёвий
ва молекуляр-генетик маркерлари..... 3

Саттаров Оятулло Хаятулло угли

Клинико-биохимические и молекулярно-генетические
маркеры прогнозирования риска развития и клинического
течения метаболического синдрома..... 23

Sattarov Oyatullo Khayatullo ugli

Clinical and biochemical, and molecular-genetic markers
for predicting the risk of developing and clinical
course of metabolic syndrome..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САТТАРОВ ОЯТУЛЛО ХАЯТУЛЛО ЎҒЛИ

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ ВА КЛИНИК
КЕЧИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ
ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib4867 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мусашайхов Умиджон Хусанович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Арипов Орифжон Абдумаликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммедова Нурхон Халимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Юлдашева Гульчехра Рустамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Н. Арипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Метаболик синдром (МС) бутун дунёда кенг тарқалган тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида эрта ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли мамлакатларда МС тарқалиши 6–7% дан 35–56% гача ўзгариб туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, МС коморбид касалликлар шаклланишининг энг муҳим хавф омили ҳисобланади ва келгуси 20 йил ичида бу касалликка чалинганлар сони 50 фоизга ошиши кутилмоқда. Тадқиқотлар натижаларига кўра, МС билан оғриган беморларда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ривожланиш хавфи бўлмаганларга нисбатан 3–4 баравар юқори, Уларда ЮИКдан ўлим ҳолатлари эса 3 баравар кўпроқ кузатилган. Аҳоли орасида МС тарқалишининг ортиши, беморларнинг ҳаёт сифати пасайишига ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ иқтисодий харажатларнинг ошишига сабаб бўлади. Шу сабабли, МС ва унинг қон-томир асоратларини ривожланишини наслий предикторларини аниқлаш орқали бу хасталиқни эрта ташхислаш ва олдини олиш, шунингдек, самарали даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида МС ва унинг қон-томир асоратлари, жумладан, юрак ишемик касаллиги ривожланиш хавфини замонавий ташхислаш, унинг молекуляр-генетик механизмларини аниқлаш ва самарали даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида олиб борилган тадқиқотлар натижалари инсоннинг ёши, атроф-муҳит ва гормонал ўзгаришлар МС ривожланиши учун мустақил хавф омиллари эканлигини тасдиқлайди. Бироқ, МС ривожланишига наслий мойиллик ҳақида адабиётларда ҳали ҳам етарлича маълумотлар мавжуд эмас. Шу сабабли, беморларда турли генларининг молекуляр-генетик полиморфизмини аниқлаш, МСни эрта ташхислаш ва клиник кечишини башоратлашнинг алгоритминини яратиш ва аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасини юқори поғоналарга кўтариш ва тубдан такомиллаштириш бўйича “...аҳолига кўрсатилаётган бирламчи, шошилинич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифат ҳамда самарадорлигини ошириш, тиббий суғурта тизимини жорий этиш, юқори технологияли ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини амалиётга кенг тадбиқ этиш орқали касалликлар профилактикасини таъминлаш...”¹ каби қатор вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда метаболик синдром хавфи мавжуд беморларда номзод ген полиморфизмларини учрашини аниқлаш, уларни ушбу патологиянинг кечиши ва юрак ишемик касаллиги каби асоратлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

ривожланиш хавфини барвақт аниқлаш алгоритмини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиши муҳим ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги 4891-сонли ПҚ «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 26 июлдаги 5198-сонли ПҚ «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2022 йил 26 январдаги 103-сонли ПҚ «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришга муайян даражада ўз ҳиссасини кўшади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метаболик синдром бўйича илмий тадқиқотлар бутун дунёда давом этмоқда, унга кўра у юрак ишемик касаллиги ва бошқа касалликларнинг шакилланишида муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, метаболик синдром ва юрак ишемик касалликлари коморбид ҳолатлари ривожланиш хавфига ирсий мойилликни баҳолаш учун молекуляр-генетик текширувлар стратегиясини ишлаб чиқишнинг аҳамияти тўғрисида адабиётларда етарли маълумотлар мавжуд эмас.

Жахонда метаболик синдром ва унинг қон-томир асоратлари ривожланишини эрта башорат қилиш ва олдини олишга қизиқишлар йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, жинсга қараб метаболик синдромнинг тарқалиши, юрак-қон томир хавфи ва терапевтик ёндашувлари ўрганилган (Русси, ва бошқ., 2017). TCF7L2 генининг метаболик синдромли шахсларда қандли диабетнинг 2-тури ривожланишдаги аҳамияти аниқланган (Katsoulis K., ва бошқ., 2018). Лептин метаболик синдромнинг прогностик маркери эканлиги аниқланган (Ghadge A.A., ва бошқ., 2019). Эронда метаболик синдромнинг тарқалиши ўрганилган (Kalan Farmanfarma ва бошқ., 2019) Gharooi Ahangar O., ва бошқ., (2020) генетик маркерлар ва метаболик ҳолатнинг давомийлигини ўрганган. FTO гени ва метаболик синдромнинг ассоциацияси аниқланган (Hardy DS, ва бошқ., 2020).

Ўзбекистонда МС ва ЮИК муаммоси бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу тадқиқотларда метаболик синдромли гипертония мавжуд беморларда юрак-қон томир касаллиги хавфининг табақаланиши ва жинсга боғлиқ фарқлар кўрсатилган (Аляви А.Л., 2017). Метаболиксиндромнинг симпато-адренал тизим ҳолати билан алоқаси ўрганилган (Ўзбекова Н. Р., 2017). Метаболик синдромли беморларда жисмоний зўриқишга толерантлик ҳолати баҳоланган (Хидоятова М.Р., 2019). Углевод алмашинуви бузилишларида юрак қон томир касалликларидан келиб чиқувчи ўлим кўрсаткичлари ўрганилган (Каюмов У.К., 2019). Семизлик ташхисланган туғруқ ёшидаги аёлларда PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизми

аҳамияти аниқланган (Дадабаева Р.К.,2024). Генлар полиморфизмининг ўзбек аёлларида метаболик асоратланган семизлик ривожланишидаги аҳамияти кўрсатилган (Гадаев А.Г., 2023). Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, метаболик синдром ва уни ЮИК билан коморбид ҳолатлари ривожланиш хавфини эрта башоратлашда баъзи бир генетик полиморфизмларнинг (SOD2, LEP, LEPR ва APOE) роли ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Шу муносабат билан, Ўзбекистонда ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борилиши долзарб масала бўлиб ҳисобланади ва бу катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273 сонли «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида амалга оширилган (2020 – 2024 йй).

Тадқиқотнинг мақсади метаболик синдромнинг ривожланиш хавфи ва клиник кечишини башоратлашда генетик маркерларнинг прогностик аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лептин генларининг (LEP ва LEPR) аллел ва генотипларининг тарқалиш сонини ўрганиш ва уларнинг метаболик синдромнинг ривожланиши ҳамда клиник кечишидаги ролини баҳолаш;

супероксиддисмутаза2 (SOD2) полиморф локуси аллеллари ва генотипларининг учраш сонини аниқлаш ва ушбу маркернинг метаболик синдромнинг шаклланиши ва клиник кечишига қўшган ҳиссасини баҳолаш;

метаболик синдромнинг ривожланиш механизми ва клиник кечишида аполипопротеин E (APOE) бошқарув генларининг аҳамиятини ўрганиш;

метаболик синдром мавжуд беморларда LEP, LEPR ва APOE генлари полиморфизмларига боғлиқ ҳолда қонда липид спектрининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида асосий гуруҳни ташкил этган 102 та бемор, ҳамда, назорат гуруҳига киритилган, текшириш вақтида ва анамнезида МС ва ЮИК ларнинг клиник кўринишисиз, ўзида ва яқин қариндошларида юқоридаги юрак-қон томир касалликлари бўлмаган 101 нафар «шартли-соғлом» шахслар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида умумий клиник тадқиқотлар шунингдек, молекуляр-генетик тадқиқотлар учун периферик қон зардоби олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда, метаболик синдром ҳамда юрак ишемик касаллигининг ташхисий стандартлари, клиник-лаборатор, асбобий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

SOD2 (Ala16Val) генининг гетерозигот Ala/Val генотиби беморларда метаболик синдром ривожланиши ва унинг юрак ишемик касаллиги билан

ассоцирланиш хавфинининг самарали башоратлаш мезони бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги кўрсатилган;

LEPR гени Arg223Gln полиморфизмининг салбий Gln/Gln генотиби метаболик синдромга бўлган ирсий мойилликга муҳим ҳисса қўшганлиги ҳамда ушбу беморларда юрак ишемик касаллиги ривожланиши учун асосий башоратлаш омилларидан бири эканлиги кўрсатилган;

APOE (Leu28Pro) полиморф локусининг гетерозигот Leu/Pro генотипининг ташувчиларида метаболик синдромга мойиллик ва унинг юрак ишемик касаллиги билан синтропияси хавфи ишонарли равишда 5.0 марта ортиши аниқланган (OR=4.5; 95%CI:1.62-12.33);

липид спектрини тартибга солувчи генлар (LEP, LEPR ва APOE) нинг ноқулай генотиплари метаболик синдром ва юрак ишемик касаллиги мавжуд бўлган беморларда дислипидемия ривожланишига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

SOD2 (Ala16Val) генетик маркерининг молекуляр-генетик тадқиқотлари асосида метаболик синдром ривожланишини ва ушбу беморларда юрак ишемик касаллиги билан коморбид ҳолатлар кузатилишини эрта башоратлаш ва даволаш-профилактик чора тадбирларини оптималлаштиришга кўмаклашувчи янги маълумотлар олинган;

Липид спектори ҳолатини бошқарувчи LEPR гени Arg223Gln полиморфизмини амалий соғлиқни сақлашга кенг тадбиқ этиш натижасида метаболик синдром ривожланиш хавфини ҳамда ушбу беморларда юрак ишемик касаллиги билан коморбид ҳолатлар кузатилишини эрта башоратлашни оптималлаштиришга эришилган;

Аполипопротеин E гени (APOE) Leu28Pro полиморф локусининг Leu/Pro гетерозигот генотипини аниқлаш беморларда метаболик синдром ривожланиши ва унинг зўрайиб бориши, яъни юрак ишемик касаллиги билан асоратланиш хавфини прогнозлаш натижасида юқори хавфга эга бўлган беморлар гуруҳини ажратиш олиш имкони яратилган;

Ёғ алмашинувини тартибга солувчи генетик (LEP, LEPR ва APOE) детерминантларни аниқлаш орқали беморларда дислипидемия ривожланиши хавфини эрта башоратлаш ва даволашга эрта ёндошув метаболик синдром ривожланиши ҳамда унинг асоратларининг камайиши ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган замонавий назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материаллар ва кузатувлар сонининг етарлиги, тадқиқотда фойдаланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик усуллар қўлланилгани, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, метаболик синдром ривожланиш хавфининг молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолаш

хамда ушбу касалликнинг ривожланишидан келиб чиқадиган асоратларни ўз вақтида олдини олиш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, генларининг нохуш генотиплари ташувчиларида метаболик синдром хамда унинг юрак ишемик касаллиги билан коморбид ҳолатлари ривожланишининг хавфи даражасини самарали башорат қилишга имкон берадиган янги мезонлар асосида эрта индивидуал даволаш ва профилактик чора-тадбирларни ўтказиш кераклиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Метаболик синдром ривожланиш хавфини ва клиник кечишини башорат қилишнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик маркерларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: SOD2 (Ala16Val) генининг гетерозигот Ala/Val генотипи беморларда метаболик синдром ривожланиши ва унинг юрак ишемик касаллиги билан ассоцирланиш хавфинининг самарали башоратлаш мезони бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги кўрсатилганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январь би-бу-сон билан тасдиқланган “Метаболик синдром ва унинг қон томир асоратлари ривожланиш хавфини башорат қилишнинг молекуляр-генетик хусусиятлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29 январдаги 25-сон хамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 28-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/03-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: SOD2 (Ala16Val) генетик маркерини текшириш, метаболик синдром ва унинг қон-томир асоратларининг ривожланиш хавини эрта башоратлаш, даволаш сифатини яхшиланиш ва беморларда ўлим хавфини камайтиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: шифохонада ётишнинг ўртача давомийлигини 6 кунга камайтириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 630000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 120000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида метаболик синдром ривожланишининг камайиши беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга хамда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ иқтисодий харажатларни қисқартириш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: LEPR гени Arg223Gln полиморфизмининг салбий Gln/Gln генотипи метаболик синдромга бўлган ирсий мойилликга муҳим ҳисса қўшганлиги хамда ушбу беморларда юрак ишемик касаллиги ривожланиши учун асосий башоратлаш омилларидан бири эканлиги кўрсатилганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январь би-бу-сон билан тасдиқланган “Метаболик синдром ва унинг қон томир асоратлари ривожланиш хавфини башорат қилишнинг молекуляр-генетик хусусиятлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт

институту кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29 январьдаги 25-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 28-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/03-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: молекуляр-генетик текшириш усули метаболик синдром ва юрак ишемик касаллиги коморбид ҳолатларининг ривожланиш фойзини сезиларли даражада камайтиришга, даволаш сифатини оширишга ва беморларнинг реабилитация муддатларини қисқартиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: Молекуляр-генетик текширувдан фойдаланиш орқали метаболик синдром ва унинг клиник кечишини эрта башоратлаш ҳар бир бемор ҳисобидан 480 000 сўм маблағни тежаш имконини берган. Хулоса: метаболик синдром ривожланиш хавфини эрта башорат қилиш тадбирларини самарали амалга ошириш ва коморбид ҳолатларнинг пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини ташкил этиш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ҳамда даволаш учун молиявий харажатларни камайтириш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: АРОЕ (Leu28Pro) полиморф локусининг гетерозигот Leu/Pro генотипнинг ташувчиларида метаболик синдромга мойиллик ва унинг юрак ишемик касаллиги билан синтропияси хавфи ишонарли равишда 5.0 марта ортиши аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январь би-бу-сон билан тасдиқланган “Метаболик синдром ва унинг қон томир асоратлари ривожланиш хавфини башорат қилишнинг молекуляр-генетик хусусиятлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29 январьдаги 25-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 28-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 18 апрелдаги 15/03-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: АРОЕ гени Leu28Pro полиморф локусини ўрганиш хавф гуруҳига кирувчи беморларда метаболик синдром ва юрак ишемик касаллиги ривожланишининг олдини олишни самарали таъминлаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: метаболик синдром ривожланиш хавфи бўлган беморларда хасталикнинг молекуляр-генетик жиҳатларини ўрганиш натижалари ҳар бир бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 540 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни эса 700 000 сўмга тежаш имконини берган; Хулоса: Метаболик синдромга чалинган беморларда юрак ишемик касаллиги ривожланиш хавфини эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш ногиронлик даражасини камайтиришга ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

тўртинчи илмий янгилик: липид спектрини тартибга солувчи генлар (LEP, LEPR ва АРОЕ) нинг нокулай генотиплари метаболик синдром ва юрак ишемик касаллиги мавжуд бўлган беморларда дислипидемия ривожланишига таъсири аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши

томонидан 2025 йил 27 январь би-бу-сон билан тасдиқланган “Метаболик синдром ва унинг қон томир асоратлари ривожланиш хавфини башорат қилишнинг молекуляр-генетик хусусиятлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур тақлиф Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2025-йил 29 январдаги 25-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 2025-йил 3-мартдаги 28-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 18 апрелдаги 15/03-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: метаболик синдром ривожланишини эрта башоратлаш сифатини яхшилайти, наслий мойилликка эга беморларни ўз вақтида аниқлаш имкониятини оширади. Шунингдек, аниқланган маркерлар асосида ҳар бир беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволаш ва профилактика протоколларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу эса ушбу беморларда юрак ишемик касаллиги ривожланиш эҳтимолини камайтириб, узоқ муддатли даволаш натижаларини яхшилашга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: ёғ алмашинувини генетик регуляторларини текшириш орқали дислипидэмия ривожланиш хавфини эрта башорат қилиш ҳисобига такрорий лаборатор таҳлиллар сони 2 мартага қисқариши ҳисобидан ҳар бир нафар беморга бюджет маблағлари ҳисобидан 780 000 сўм, бюджетдан ташқари 645 000 сўм миқдордаги харажатлар иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: Липид спектрини тартибга солувчи (LEP, LEPR ва APOE) генлардан дислипидемиyani башоратлаш мақсадида фойдаланиш метаболик синдром ривожланиш хавфининг олдини олиш ҳамда унинг қон-томир асоратларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган бўлиб, унинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги

баён қилинган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром: дунёдаги вазият, клиник ва диагностика мезонлари ва хавф омиллари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. МС ривожланишига таъсир қилувчи ва ушбу беморларда ЮИК ривожланиш учун жавобгар номзод генларнинг тутган ўрни ва молекуляр-генетик механизмлар тахлили ёритилган, изчил ўрганишни талаб қилувчи саволлар жамланмаси аниқланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ишлаб чиқиш муҳимлиги асосланган

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлар ва тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Ҳаммаси бўлиб, тадқиқотда метаболик синдром ва юрак ишемик касаллиги ташҳиси қўйилган АДТИ клиникаси 1-кардиология бўлимида шифохона шароитда давлланаётган 102 нафар бемор иштирок этди. Шундай қилиб, ушбу беморлардан 3 та кичик гуруҳлар шакллантирилди: - 1- кичик гуруҳи: юрак ишемик касаллиги (ЮИК) асоцирланган метаболик синдром (МС) мавжуд беморлар гуруҳи (n=36); - 2-кичик гуруҳи: ЮИК билан асоцирланмаган МС аниқланган беморлар гуруҳи (n=32); - 3 кичик гуруҳи: МС кузатилмаган ЮИК мавжуд беморлар гуруҳи (n=34).

Тадқиқот назорат гуруҳи сифатида юқоридаги патологияларнинг клиник белгилари бўлмаган 101 нафар шартли-соғлом инсонлар қатнашди. Назорат намунаси учун материал сифатида тадқиқот гуруҳи беморларига жинси ва ёши бўйича мос келадиган ўзида ва яқин қариндошларида юқоридаги патологияларнинг клиник белгилари кузатилмаган, «шартли равишда соғлом» шахсларнинг мустақил равишда ажратилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг ДНК банкида сақланадиган геномик ДНК препаратлари ишлатилган.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги барча тадқиқотлар 18 ёшдан катта бўлган беморларда ва беморнинг тадқиқотга розилигини олган ҳолда ҳозирги вақтда қабул қилинган клиник тавсияларга мувофиқ амалга оширилди.

Беморларнинг жинси бўйича олинган маълумотларнинг тахлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги 102 нафар беморларнинг 46.0% ни эркеклар ҳамда 54.0% ни аёллар ташкил этди.

Шунингдек, кичик гуруҳлар кесимида эркеклар асосан МС ва ЮИК бирга келган 1-кичик гуруҳ беморлари орасида кўпроқ аниқланди ва 52.7% ни ташкил этди. Аёлларда эса ушбу патологик жараёнлар мос равишда 47.2% ҳолатларда кузатилди. 2 ва 3-кичик гуруҳ беморлари орасида аксинча, эркек жинсли беморларга қараганда аёлларнинг устунлигини кўриш мумкин.

102 нафар иборат асосий гуруҳ беморларининг ўртача ёши 58.8 ± 1.2 ёшни, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 57.3 ± 1.1 ёшни ташкил этди.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ равишда тадқиқот дастури ишлаб чиқилди. Тадқиқот доирасида Метаболик синдром (МС) ва юрак

ишемик касаллиги (ЮИК) диагностикасининг халқаро стандартлари асосида иш олиб борилди. Бунда замонавий инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан самарали фойдаланилди.

Ушбу тадқиқот доирасида Метаболик синдром касаллигининг ривожланиши ҳамда унинг ва юрак ишемияси касаллиги билан синтропиясида генетик омилларнинг роли кенг кўламда ўрганилди. Жумладан, SOD2 (Ala16Val, C60T, C58T), LEPR (Arg223Gln), LEP (G-2548A) ва APOE (Leu28Pro) ДНК полиморфизмларининг аллеллари ҳамда генотипларининг тарқалиш частоталари аниқланди. Бундан ташқари, юқоридаги генетик маркерларнинг МС ва унинг ЮИК билан коморбид ҳолат ривожланишидаги таъсир кўрсатувчи омил сифатидаги ўрни баҳоланди. Тадқиқ қилинаётган ген полиморфизмларининг учраш таксимоти таҳлили «case-control» (ҳолат-назорат, икки намунани таққослаш) шакли туридаги моделдан фойдаланиш орқали амалга оширилди.

Ўрганилган локуслар амплификацияси GeneAmp PCR-system 2720 (Applied Biosystems, АҚШ) ва CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN Германия) термоциклерлари ёрдамида ДНК синтезининг полимераза занжирли реакцияси усулида амалга оширилди.

Тадқиқот молекуляр-генетик текширув ишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг молекуляр тиббиёт, хужайравий технологиялар ҳамда тиббий генетика лабораториясида амалга оширилди.

Тадқиқот давомида олинган натижаларга статистик ишлов бериш персонал компьютернинг Microsoft Office Excel ҳамда «Stat Soft Statistica 10.0» дастурли пакетларини қўллаган ҳолда ўтказилди.

Олинган натижалар ўрта арифметик ва стандарт оғиш кўринишида берилди (M ; $+s$). Ўрганилаётган кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги (t) Стъудент мезони ёрдамида баҳоланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар $P < 0.05$ ишончлилик даражаси билан белгиланди.


Генетик маълумотларни таҳлилида Харди-Вайнбер каноник тарқалишидан оғиш ҳолатларини баҳолаш учун «GenePop» (Genetics of Population) дастури қўлланилди (<http://wbiomed.curtin.edu.au/genepop>). Беморлар ва назорат гуруҳидаги генотип ҳамда аллеллик даражасини таққослашда χ^2 мезонидан фойдананилган. Тафовутлар $p < 0,05$ бўлса, статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром билан хасталанган беморларда биокимёвий ва молекуляр-генетик таҳлил натижаларини ўзаро боғлиқлигини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида текширилаётган беморлар гуруҳида асосий клиник-лаборатор кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига ҳамда липид спектори кўрсаткичларини ёғ алмашинуви генетик регуляторлари билан ассоциатив боғлиқлигига баҳо берилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ беморлари орасида биокимёвий кўрсаткичларнинг референс даражалардан юқорига кўтарилиши турлича кузатилган. Хусусан, НОМА-IR > 2.77 кўрсаткичига кўра:

- 1-кичик гуруҳ беморларининг 75.0% да инсулинга резистентлик (ИР) аниқланган;

- Метаболик синдром (МС) мавжуд, бироқ юрак ишемик касаллиги (ЮИК) кузатилмаган беморларнинг 68.8% да ИР қайд этилган;
- МС билан боғлиқ бўлмаган, аммо ЮИК ташхиси қўйилган беморлар орасида бу кўрсаткич 17.6% ни ташкил қилган (1-расм).



1-расм. Беморларнинг асосий гуруҳида НОМА-ИР >2.77 кўрсаткичига кўра инсулинга резистентликни учраш сони

1-кичик гуруҳда липид спектрининг кўрсаткичларидан бири бўлган триглицеридлар (ТГ) миқдорининг референс даражадан ортиши 80.5% ҳолатларда қайд этилган ва унинг ўртача қийматлари 2.0 ± 0.04 ммоль/л ни ташкил этган. 2 ва 3 кичик гуруҳ беморларида ТГ кўрсаткичининг ўртача миқдорининг ортиши мос равишда 65.6% (1.9 ± 0.03 ммоль/л) ва 53.0% (2.0 ± 0.04 ммоль/л) текширилувчиларда кузатилди.

Умумий холестериннинг (УХС) нормал кўрсаткичлардан оғиши асосан ЮИК билан асоцирланган МС мавжуд беморлар гуруҳида кузатилди. Ушбу кўрсаткич 72.2% (36/26) ҳолатларда нормал қийматлардан ошди ва унинг ўртача даражаси мос равишда 6.3 ± 0.02 ммоль/л ни ташкил этди.

МС мавжуд аммо ЮИК аниқланмаган беморлар орасида фақат 68.7% ҳолларда УХС курсаткичи чегара қийматларидан юқори бўлган бўлса, 3-кичик гуруҳ беморларининг 41.1% да ушбу параметрнинг ортиши аниқланган. Нормал курсаткичдан ортган ушбу беморларда юқорида кўрсатилган липид спектори параметрининг ўртача даражаси 6.4 ± 0.03 ммоль/л ва 6.3 ± 0.03 ммоль/л ни ташкил этди.

МС ва ЮИК билан оғриган беморлар гуруҳида қоннинг липид спектрининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) беморларнинг 75.0% нормал кўрсаткичлардан юқори эканлиги кузатилди ва ПЗЛП нинг ўртача даражаси 4.1 ± 0.1 ммоль/л ни ташкил этди. Гуруҳлар тақсимоотида 2 ва 3- кичик гуруҳ беморларнинг ПЗЛП даражаси 65.6% (3.6 ± 0.06 ммоль/л) ва 44.1% (3.6 ± 0.08 ммоль/л) ҳолларда ортганлиги кузатилди.

Юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) даражаси МС ва ЮИК бор беморларнинг – 72.2%, МС мавжуд аммо ЮИК ривожланмаган беморларнинг – 62.5% ва МС сиз ЮИК билан хаста беморларининг – 52.9% да нормал

курсаткичларидан паст эканлиги қайд этилган. Шундай қилиб, 1-кичик беморлар гуруҳида ЮЗЛП даражаси 0.74 ± 0.01 ммоль/л, 2-кичик беморлар гуруҳида 0.8 ± 0.01 ммоль/л, шунингдек, 3-кичик гуруҳ беморларда бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси 0.8 ± 0.01 ммоль/л ни ташкил этди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида, умумий холестерин (УХ) кўрсаткичининг липид спектори генетик регуляторлари билан ассоциатив боғлиқлик натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Lерг гени Arg223Gln полиморф локуси Arg/Arg ижобий генотиби УХ миқдори референс кўрсаткичларидан юқори бўлган 62 нафар беморларнинг 30 тасида (48.4%) учради. Ушбу генотип сезиларли даражада УХ миқдори нормал бўлган беморлар орасида кўп эканлиги қайд этилди ва мос равишда 87.5% ниташкил этди (40/35) ($\chi^2=16.1$; $P=0.001$; $OR=0.1$; $95\%CI:0.05-0.39$). Шундай қилиб, Lерг гени Arg223Gln полиморф локуси Arg/Arg ижобий генотипининг қондаги умумий холестерин миқдорини ортишига химоя таъсири мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий беморлар гуруҳида ўрганилаётган липид спектори регулятори полиморф маркерлари генотипларининг умумий холестерин миқдorigа боғлиқлиги

№	Lерг гени Arg223Gln полиморфизми генотиплари	Умумий холестерин				χ^2	P	OR	95%CI
		УХ↑ n=62		УХ норма n=40					
		n	%	n	%				
1	Arg/Arg	30	48.4	35	87.5	16.1	0.001	0.1	0.05-0.39
2	Arg/Gln	25	40.3	4	10.0	11.0	0.001	6.1	1.92-19.22
3	Gln/Gln	7	11.3	1	2.5	2.6	0.1	5.0	0.59-41.98

Статистик таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Lерг гени Arg223Gln полиморфизмининг гетерозигот Arg/Gln генотиби аниқланганда беморларда липид алмашинувининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган УХ миқдорини ортишининг нисбий хавфи ушбу генотип учирамаган беморларга қараганда сезиларли даражада 6.1 мартга юқори ($\chi^2=11.0$; $P=0.001$; $OR=6.1$; $95\%CI:1.92-19.22$)(1-жадвал).

Ўрганилаётган гуруҳлар орасида ушбу генетик маркернинг мутант Gln/Gln генотиби учраш сонидagi фарқлар ахамиятсиз даражада бўлишига қарамай, мазкур генотип кузатилган беморларда қондаги УХ миқдорини ортишига мойиллик мавжуд бўлиб, умумий холестерин миқдорини референс кўрсаткичлардан кўтарилиш эҳтимолини 5.0 мартга оширади (11.3% қарши 2.5%; $\chi^2=2.6$; $P=0.1$; $OR=5.0$; $95\%CI:0.59-41.98$) (1-жадвал).

Шу билан бирга, LEP гени G-2548A полиморфизми салбий G/G генотиби учираш сонидagi ахамиятсиз фарқларга қарамай, LEP гени (G-2548A) салбий генотиби аниқланганда УХ миқдорини ортиш хавфи 2.2 мартга юқори эканлигига мойиллик мавжуд (24.2% қарши 12.5%; $\chi^2=2.1$; $P=0.1$; $OR=2.2$; $95\%CI:0.74-6.73$).

Шунингдек, АРОЕ гени Leu28Pro полиморф локусининг Leu/Pro гетерозигот генотиби учираш сони УХ миқдори нормал кўрсаткичлардан баланд бўлагн беморлар орасида таққослаш гурухи беморларидан сезиларли равишда юқори эканлиги аниқланди. Мазур генотип мавжудлигида қондаги УХ миқдорини референс кўрсаткичлардан ортиш хавфи ишончли равишда 6.6 мартта юқори (14.5% қарши 2.5%; $\chi^2=4.0$; P=0.05; OR=6.6; 95%CI:1.0-54.46).

Кейинги босқичда липид спектори генетик регуляторлари ва триглицеридлар ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик ўрганилди.

ТГ миқдори юқори бўлган беморлар гуруҳида Lерr (Arg223Gln) ген полиморфизми гетерозигот Arg/Gln ва салбий гомозигот Gln/Gln генотиблари сонининг ортишига мойиллик кузатилди, яъни ушбу генотиблар аниқланганда ТГ миқдорини 2.4 ва 3.8 марта ортишига хавф мавжудлигини кўрсатди (33.8% қарши 17.6%; $\chi^2=2.9$; P=0.09; OR=2.4; CI:0.87-6.58 ва 10.2% қарши 2.9%; $\chi^2=1.7$; P=0.2; OR=3.8; CI:0.45-32.11).

Шунингдек, ишончли фарқлар кузатилмаганига қарамай LEP гени G-2548A генетик маркернинг мутунт G/G гомозигот генотиби аниқланганда ТГ миқдорини референс кўрсаткичлардан 1.6 мартта юқори бўлишига суст мойиллик мавжуд (22.1% қарши 14.7%; $\chi^2=0.8$; P=0.4; OR=1.6; 95%CI:0.54-4.98). АРОЕ гени Leu28Pro локусининг Leu/Pro гетерозигот генотиби ТГ миқдорини ортишига олиб келиш хавфига мойиллик мавжуд бўлиб, юқоридаги генотип аниқланган беморларда ТГ кўрсаткичини ортиши хавфи 5.0 мартта юқори (13.2% қарши 2.9%; $\chi^2=2.7$; P=0.09; OR=5.0 95%CI:0.61-41.50).

Юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) миқдори нормал кўрсаткичлардан паст бўлган текширилувчилар орасида Lерr гени Arg223Gln полиморфизми генотиблари қуйидагича тақсимланди: Arg/Arg генотип 54.7%, Arg/Gln генотип 34.4% ва Gln/Gln генотип 10.9% (3.5-жадвал).

Ушбу генотибларни учираш сони ЮЗЛП нормал чегарадан ўзгармаган беморлар гуруҳида қуйидагича бўлди: Arg/Arg генотип 78.9%, Arg/Gln генотип 18.4% ва Gln/Gln генотип 2.6%.

Натижалар таҳлили ЮЗЛП нормал кўрсаткичларга эга бўлган беморларда Lерr гени Arg223Gln полиморфизмининг Arg/Arg генотипининг учраши ушбу липид спектори кўрсаткичи пастлаган беморлар гуруҳига нисбатан ишончли ортишини кўрсатди ($\chi^2=6.1$; P=0.01; OR=0.3; 95%CI:0.13-0.81).

Lерr гени Arg223Gln гетерозигот Arg/Gln ва Gln/Gln генотиблари учраш сониди тадқиқ қилинаётган гуруҳлар орасида ахамиятли фарқлар кузатилганига қарамай, ушбу генотиблар мавжудлиги ЮЗЛП миқдорига салбий таъсир этиши аниқланган. Lерr гени Arg223Gln гетерозигот Arg/Gln ва Gln/Gln генотиблари аниқланганда ЮЗЛП миқдорини референс кўрсаткичлардан пасайишининг эхтимолий хавфи 2.3 ва 4.5 барабар юқори бўлишига мойиллик мавжуд ($\chi^2=3.0$; P=0.08; OR=2.3; 95%CI:0.88-6.11 ва $\chi^2=2.3$; P=0.18; OR=4.5; 95%CI:0.54-38.46).

LEP гени G-2548A полиморфизми мутант G/G генотиби мавжуд беморларда ҳам ЮЗЛП миқдорининг камайишига мойиллик мавжуд бўлиб, ушбу генотип юқорида келтирилган липид спектори кўрсаткичи миқдорини

камайтишининг мойиллик маркери бўлган (23.4% қарши 13.2%; $\chi^2=1.6$; $P=0.2$; $OR=2.0$; 95%CI:0.67-6.1).

АРОЕ гени Leu28Pro полиморфизми Pro/Pro салбий генотиби фақатгина ЮЗЛП миқдори паст бўлган беморлар орасида аниқланди ва 1.6% ни ташкил этди. ЮЗЛП миқдори меъёрида бўлган гуруҳ беморларида АРОЕ гени Leu28Pro полиморфизми ижобий Leu/Leu генотиплари частоталарининг тақсимланишини ўрганганда ЮЗЛП миқдори камайган беморлар гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошиши аниқланди (97.4% ва 84.4%). Ўрганилаётган полиморфизмнинг ушбу генотиби ЮЗЛП миқдорининг камайтишига аниқ ҳимоя қийматига эга эди ($\chi^2=4.1$; $P=0.04$; $OR=0.1$;). Аксинча, ахамиятсиз фарқларга қарамай гетерозигот Leu/Pro генотиби ЮЗЛП миқдорини камайтиришга мойил маркер эканлиги аниқланди (14.1% қарши 2.6%; $\chi^2=3.5$; $P=0.06$; $OR=6.1$; 95%CI:0.74-49.82).

Шу билан бирга, паст зичликдаги липопротеидлар миқдори ортаган гуруҳ вакилларида Lepr гени (Arg223Gln) гетерозигот Arg/Gln (31.7% қарши 23.1%; $OR=1.6$; 95%CI:0.62-3.87) ва мутант Gln/Gln (11.1% қарши 2.6%; $OR=4.8$; 95%CI:0.56-40.19), LEP гени (G-2548A) салбий G/G (23.8% қарши 12.8%; $OR=2.1$; 95%CI:0.71-6.41) ҳамда АРОЕ гени (Leu28Pro) гетерозигот Leu/Pro (14.3% қарши 2.6%; $OR=6.3$; 95%CI:0.77-52.1) генотипларининг сонининг ортиши мойилликси аниқланди, бу ушбу полиморф локусларнинг юқорида келтирилган генотипларининг ПЗЛП миқдорининг ортишига нисбатан аддитив таъсири бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, LEP, LEPR ва АРОЕ генларининг ноқулай генотиплари метаболик синдром ва юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда дислипидемия ривожланиш хавфини оширади. Олинган натижалар генетик скрининг ва индивидуал даволаш усуллари ривожлантириш учун асос бўлиши мумкин, бу эса юқори хавф гуруҳидаги беморлар учун самарали профилактик тадбирларни белгилаш имконини беради.

